

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

“ТЕХНОЛОГИЯ” ФАКУЛЬТЕТИ

“МЕНЕЖМЕНТ” КАФЕДРАСИ

2-МЖ-12 гуруҳ талабаси
Абдулбоситов Мирзохид Абдулходи ўғли

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: **Қишлоқ хўжалигида боғдорчилик тармоғи маҳсулот
етиштиришни ривожлантиришнинг ташкилий - иқтисодий асосларини
такомиллаштириш
(Косонсой тумани мисолида)**

Илмий раҳбар:

Т.Дадабоев

Наманган-2016

Аннотация

Абдулбоситов Мирзоҳид Абдулходи ўғлининг Қишлоқ хўжалигида боғдорчилик тармоғи маҳсулот етиштиришни ривожлантиришнинг ташкилий - иқтисодий асосларини такомиллаштириш (Косонсой тумани мисолида) мавзусидаги битирув малакавий ишида Мамлакатимизда Қишлоқ хўжалигида боғдорчилик тармоғи маҳсулот етиштиришни ривожлантиришнинг ташкилий - иқтисодий асосларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Битирув малакавий ишининг биринчи бобида қишлоқ хўжалиги соҳасида боғдорчиликни ривожлантиришнинг назарий асослари ва боғдорчилик соҳасида ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари ёритилиб берилган.

Битирув малакавий ишининг иккинчи бобида Наманган вилояти Косонсой туманида мева-сабзавот маҳсулотларини етиштиришни ривожлантиришнинг ташкилий - иқтисодий таҳлили ва Косонсой туманининг ижтимоий иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари таҳлили қилинган.

Битирув малакавий ишининг учинчи бобида қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ислохотлар ва боғдорчилик соҳаларини ривожлантириш истиқболлари ва қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ислохотлар ва инфраструктурани барқарор ривожланиши бўйича таклиф ва тавсиялар келтириб ўтилган.

Хулоса қисмида мавзуга оид фикрлар умумлаштирилган ва тадқиқот натижалари асосида тавсиялар ишлаб чиқилган.

КИРИШ

Мавзусининг долзарблиги. Мева-сабзавотчилик қуйи тармоғи Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғи ҳисобланади. Бу тармоқ мамлакат аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига, қайта ишлаш саноати тармоқларининг эса хомашёга бўлган талабини қондиради. Мева-сабзавотчилик Ўзбекистон учун жаҳон аграр ва озиқ-овқат бозорларига интеграциялашувни ва валюта тушумини таъминлаб берувчи тармоқлардан бири ҳисобланади. Кейинги йилларда республикада мева-сабзавотчиликни кенг кўламда ривожлантиришга давлат томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек “мамлакатимизни демократлаштириш ва модернизация қилиш борасида бошланган тизимли ислохотларни, иқтисодиётимизда, авваламбор, саноат ва қишлоқ хўжалигида туб таркибий ўзгаришларни сўзсиз давом эттириш, хусусий мулк, тадбиркорлик ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш ва бу соҳа вакиллари манфаатларини ҳимоя қилиш, макроиқтисодий мутаносибликни таъминлаш 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишига айланиши зарур

Қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ва таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш 2016 йил ва яқин истиқболга мўлжалланган иқтисодий дастуримизнинг принципал муҳим йўналишидир.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалигининг мева-сабзавотчилик, боғдорчилик, узумчилик ва чорвачилик каби тармоқлари ҳам жадал суръатларда ривожланди. Ўтган йили 12 миллион 592 минг тонна сабзавот ва картошка, 1 миллион 850 минг тонна полиз маҳсулотлари, 1 миллион 556 минг тонна узум, 2 миллион 731 минг тонна мева етиштирилди”¹ Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш, уларнинг сифатини яхшилаш, шунинг баробарида, мевали дарахт кўчатлари турини кўпайтириш орқали интенсив боғлар барпо этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Зеро бу масала Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтиши стратегиясида ҳам ҳал қилувчи аҳамият касб этар эди.

Шунинг учун ҳам ислохотларнинг биринчи босқичида қишлоқда хўжалик юритишнинг янги шакллари жорий этиш, деҳқон ернинг, етиштирилаётган маҳсулотнинг тўла эгаси бўлишига имкон берадиган иқтисодий муносабатларни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмининг ўсиши ўртача 6-7 фоизни ташкил қилаётганлиги, республика аҳолиси сонининг муттасил ортиб боришига қарамай, аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат товарлари ҳажмининг бир неча баробаргача

¹ Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд кийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. // Халқ сўзи. 16 январь, 2016.

кўпайганлиги соҳада ислохотлар стратегияси нақадар тўғри танланганлигидан далолат беради.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилган улкан ислохотлар қишлоқ хўжалигини тубдан диверсификация қилиш имконини берди, пировардида аҳолини асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлашга эришилди.

Бугунги кунда мамлакатимиз нафақат ўз ички талабини қондириш, балки глобал озиқ-овқат дастурига катта ҳиссасини қўшиши ва бошқа давлатларнинг бу борадаги муаммоларини ҳал этиш салоҳиятига эга давлатлардан бири ҳисобланади.

Авваламбор интенсив боғларни яратиш зарурияти қандай пайдо бўлгани, бундан кўзланган мақсад ҳақида тўхталб ўтсак:

Маълумки, интенсив боғлар кейинги йилларда бутун дунёда кенг тарқалиб, ривожланмоқда. Республикамизда юқори ҳосил берувчи пакана ва ярим пакана мева (интенсив) боғларни барпо этишдан мақсад, республика аҳолисини мевага бўлган талабини тўлиқ қондириш, бозорларимиз тўқин-сочинлигини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини йилдан-йилга ошириб боришдан иборат.

Истиқболда мева-сабзавотчиликни янада ривожлантириш мақсадида соҳа мутахассис ва олимлари томонидан республикамиз минтақаларининг тупроқ-иқлим шароитига мос, совуққа, қурғоқчиликка, иссиққа, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, узок сақланадиган, транспортабелли, сифатли ва юқори ҳосилли навларини яратиш борасидаги илмий изланишлар кўламини кенгайтириш, янги навларни амалиётга кенг жорий этиш, пировардида халқимизни сархил мева-узум ҳамда сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш борасидаги тадбирларни изчил амалга ошириш энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Юқоридаги ҳолатлар диплом иши мавзусининг долзарблигидан далолат беради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қишлоқ хўжалигида боғдорчилик тармоғи маҳсулот етиштиришни ривожлантиришнинг ташкилий - иқтисодий асосларини такомиллаштириш масалаларида аграр иқтисодчи олимлардан С.Н.Усмонов, Р.Х.Хусанов, Н.С.Хушматов, Т.Х.Фармонов, А.М.Қодиров, Ч.Муродов, О.Жумаев, М.Собиров, Х.С.Хушвақтова, Қ. Ҳасанжонов, К.Чориев, А.Абдуғаниев, Э.Акрамов, А.Жўраев, А. Шокиров, Ш.Х.Мўминовлар илмий изланишлар олиб боришган.

Шу билан бир қаторда юқоридаги муаллифларнинг илмий ишлари турли даврларда, боғдорчилик тармоғи ва мева-сабзавотчилик соҳасини ривожлантиришдаги умумий иқтисодий масалаларига бағишланган бўлиб, хусусий секторда боғдорчилик тармоғини, мева етиштириш, сақлаш ва сотиш тизимини ривожлантириш масалалари эътибордан четда қолмоқда.

Диплом ишининг мақсади. Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида Наманган вилояти Косонсой туманида қишлоқ хўжалигида боғдорчилик тармоғи маҳсулот етиштиришни ривожлантиришнинг ташкилий - иқтисодий асосларини такомиллаштириш юзасидан амалий таклиф ва

тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Мазкур мақсаддан келиб чиққан ҳолда Диплом ишида куйидаги вазифалар белгиланди ва ҳал қилинди:

- боғдорчилик соҳасида ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш;
- боғдорчилик соҳасини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий асосларини кўриб чиқиш;
- интенсив боғларни яратиш ва ривожлантиришнинг ўзига хос жихатлари ўрганиш;
- Наманган вилояти Косонсой туманида мева-сабзавот маҳсулотларини етиштиришнинг иқтисодий таҳлили қилиш;
- қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ислохотлар ва инфраструктурани барқарор ривожланиши кўриб чиқиш;
- ўзбекистонда мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ва экспорт қилишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўналишлари ўрганиш;
- қишлоқ хўжалигида мева-сабзавотчилик соҳаларини ривожлантириш борасидаги амалга оширилган ишлар;
- мева ва сабзавотчиликни ривожлантириш истиқболлари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Диплом ишининг объекти сифатида Наманган вилояти Косонсой тумани қишлоқ хўжалигида боғдорчилик ва маҳсулотларини етиштириш, сақлаш қайта ишлаш ва сотиш объектларлари белгиланган.

Диплом ишининг предмети сифатида Наманган вилояти Косонсой тумани иқтисодиёти тармоқларида фаолият кўрсатаётган мевалар етиштириш, сақлаш қайта ишлаш ва сотиш объектларлари ўртасидаги мавжуд иқтисодий муносабатлар мажмуи танланди.

Диплом ишининг услубий ва назарий асосини Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакат модернизациялаштириш сиёсатига оид асарлари, Қишлоқ хўжалиги инфиратузилмасини ривожлантиришига бағишланган хорижий ҳамда маҳаллий олимларнинг илмий ишлари, Ўзбекистон Республикасининг фермер хўжалиги ва кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишга қаратилган қонунлари ва меъёрий хужжатлари ташкил этади.

Битирув малака иши бажариш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Сатистика Қумитаси, Наманган вилояти ҳокимлиги ва Косонсой тумани иқтисодиёт бошқармаси, Статистика бошқармаси ҳисоботлари ҳамда таҳлиллар натижаларидан фойдаланилди.

Диплом ишининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ишда фермер хўжалигининг барқарор ривожланиши, қишлоқ хўжалигида фермер хўжалиги стратегиясини қўллаш ва ривожлантириш ҳамда уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш юзасидан ишлаб чиқилган ёндашувлардан Наманган вилояти иқтисодиётининг аграр соҳаларида фермер хўжаликлари истиқболда ривожлантириш режаларини асослашда, Иқтисодиёт таълим йўналишларида

тахсил олаётган талабаларга «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти», «Қишлоқ хўжалигида менежмент», «Тадбиркорлик асослари», “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик” фанларини ўқитишда, ҳамда Наманган вилояти ҳокимлиги томонидан мазкур масалага оид дастурий ҳужжат ва амалий чора-тадбирларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин..

Диплом ишининг таркиби Битирув малака иши Қириш, 3 та боб, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар руйхатидан ташкил топган.

1-БОБ. Қишлоқ хўжалиги соҳасида боғдорчиликни ривожлантиришнинг назарий асослари

1.1. Боғдорчилик соҳасида ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари

Республика аҳолисини витаминларга бой, экологик тоза озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ва аграр тармоқнинг экспорт салоҳиятини оширишда катта имкониятларга эга боғдорчилик соҳасининг ўрни бекиёс. Ушбу имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш боғдорчилик соҳасини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятларини билишни ва улардан самарали фойдаланиш тадбирларини ишлаб чиқишни тақозо этади. Бу кўп жиҳатдан маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш, моддий манфаатдорлик масаласи ва моддий-техник таъминот, маҳсулот сотиш, борасидаги муаммоларни ҳал этишга ҳам боғлиқ бўлиб қолади. Ушбу соҳалардаги муаммоларни ҳал этиш яна ўз ўрнида боғдорчилик тармоғи қандай ўзига хосликлар билан боғлиқ ҳолда ривожланиб бориши лозимлиги билишни талаб этади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида таъкидлаганлаидек “...Мамлакатимизни демократлаштириш ва модернизация қилиш борасида бошланган тизимли ислохотларни, иқтисодиётимизда, авваламбор, саноат ва қишлоқ хўжалигида туб таркибий ўзгаришларни сўзсиз давом эттириш, хусусий мулк, тадбиркорлик ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш ва бу соҳа вакиллари манфаатларини ҳимоя қилиш, макроиқтисодий мутаносибликни таъминлаш 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишига айланиши зарур.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ва таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш 2016 йил ва яқин истиқболга мўлжалланган иқтисодий дастуриимизнинг принципиал муҳим йўналишидир²”.

Таъкидлаш жоизки, Соҳада амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар ва яратилган имкониятлар, берилган имтиёزلардан унумли фойдаланган деҳқонларимизнинг фидокорона меҳнати эвазига 2015 йилда республикаимиз бўйича 10 млн 128,1 минг тонна (2014 йилга нисбатан 109,1 фоиз) сабзавот, 1 млн 853,1 минг тонна (109,3%) полиз, 2 млн 696,7 минг тонна (110%)

² Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд кийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. // Халқ сўзи. 16 январь, 2016.

картошка, 2 млн 746,2 минг тонна (110,3%) мева ва 1 млн 579 минг тонна (109,6%) узум маҳсулотлари етиштиришга эришилди.

Бошқача қилиб айтганда, 2015 йилда аҳоли жон бошига йиллик ўртача 320 кг сабзавот (тиббий меъёрга нисбатан 2,8 марта кўп), 85,3 кг картошка (1,5 марта), 58,6 кг полиз (2,2 марта), 86,8 кг мева (1,2 марта) ва 49,9 кг узум (3,3 марта) маҳсулотлари ишлаб чиқарилган.

Истикболда мева-сабзавотчиликни янада ривожлантириш мақсадида соҳа мутахассис ва олимлари томонидан республикаимиз минтақаларининг тупроқ-иқлим шароитига мос, совуққа, қурғоқчиликка, иссиққа, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, узоқ сақланадиган, транспортабелли, сифатли ва юқори ҳосилли навларини яратиш борасидаги илмий изланишлар кўламини кенгайтириш, янги навларни амалиётга кенг жорий этиш, пировардида халқимизни сархил мева-узум ҳамда сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш борасидаги тадбирларни изчил амалга ошириш белгиланган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 22 январдаги “Халқаро қишлоқ хўжалиги тараққиёти жамғармаси иштирокида “Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчилик тармоғини қўллаб-қувватлаш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ва 2014 йил 14 февралдаги “Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокида “Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш” лойиҳасини амалга оширишнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари республикаимизда боғдорчилик, сабзавотчилик ва узумчилик соҳасига илғор технологияларни жорий қилиш, ишлаб чиқарувчиларни замонавий қишлоқ хўжалиги техника ва жиҳозлари билан таъминлаш ҳамда самарадорлиги юқори бўлган иссиқхона хўжаликларини ташкил этишга пухта замин яратди.

Бугунги кунга қадар ушбу инвестиция лойиҳалари доирасида ажратилган имтиёзли кредит маблағлари ҳисобидан жами қиймати 38,7 млн АҚШ долларига тенг 350 дан ортиқ бизнес-режалар молиялаштирилди, натижада тадбиркорларимиз томонидан 500 гектардан зиёд майдонда боғ ва токзорлар барпо этилди, 112 гектар майдонда иссиқхоналар, 32,8 минг тонна сиғимга эга музлаткичли омборхоналар, қуввати 13,1 минг тонна бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва қодоклаш цехлари ташкил этилди. Шу билан биргаликда, қишлоқ жойларда 1400 дан ортиқ иш ўринлари яратилди.

Мева-сабзавотчиликни юқори суратлар билан ривожлантириш, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини янада юксалтириш ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг молиявий барқарорлигини ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 21 сентябрдаги «Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки иштирокидаги “Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчилик тармоғини ривожлантириш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Лойиҳанинг умумий қиймати 219,28 млн АҚШ доллари бўлиб, шундан 150,0 млн доллар Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки инвестиция маблағларини ташкил этади.

Мазкур лойиҳа республикамизнинг 9 та ҳудудида, яъни Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларида амалга оширилиши белгиланган бўлиб, ушбу ҳудудларда 4680 гектар майдонда пакана ва ярим пакана боғлар ва токзорлар барпо этиш, 163 минг тонна сиғимга эга музлаткичли омборхоналар ва 180 гектар майдонда энергия тежамкор иссиқхоналар ташкил этиш, қуввати 96 минг тонна бўлган мева-сабзавот маҳсулотларини саралаш, қадоқлаш ва қайта ишлаш жиҳозларини ўрнатиш ҳамда махсус қишлоқ хўжалиги техника ва ускуналари харид қилиш режалаштирилган. Инвестиция лойиҳасини 2021 йилга қадар амалга ошириш белгилаб қўйилган.


Лойиҳа доирасида қишлоқ хўжалиги корхоналари, деҳқон ва фермер хўжаликларига қуйидаги мақсадлар учун имтиёзли кредитлар берилади:

- интенсив боғлар, сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштириш учун ҳосилдорлиги юқори бўлган интенсив қўчатлар ва уруғлар сотиб олиш;
- томчилатиб суғориш тизимини жорий қилиш, интенсив боғлар учун талаб қилинадиган аксессуарлар ва ускуналар харид қилиш;
- эски токзорларни янгилаб янги токзорларни барпо этиш;
- мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш учун совуқхоналар ва музлаткичлар, қайта ишлаш, саралаш ва қадоқлаш технологиялари, ички ва ташқи бозорларга сотиш учун талаб қилинадиган айланма маблағлар;
- мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш учун мини-техника ва технологияларни харид қилиш;
- сабзавот маҳсулотлари етиштириш учун иссиқхоналар ва боғлар ташкил этиш учун қўчатхоналар барпо этиш ва бошқ.

Айни пайтда юқорида тилга олинган ҳуқуқий ҳужжатлар асосида мева етиштириш соҳасида ҳақиқий мулкдорларнинг фаолият юритиши республикамиз бозорларининг ўзимизда етиштирилган мевалар билан тўйинишида муҳим асос бўлиб хизмат қилди. Шунингдек, боғдорчилик маҳсулотлари нобудгарчилигининг олдини олиш ва уларни экспорт қилиш жараёнидаги муаммолар ечимларини топишда ҳам муҳим асос бўлади.

Агарда масалага боғдорчилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликлари доирасида ишлаб чиқариш жараёнини ривожлантириш нуқтаи назаридан ёндашадиган бўлсак, назаримизда, ушбу тизимда фермер хўжаликларини ривожлантириш ёки боғдорчилик соҳасини ривожлантиришга битта масала сифатида қаралиши лозим. Чунки, боғдорчилик соҳасидаги фермер хўжаликларини ривожлантиришда ҳам, фермер хўжаликларида боғдорчилик маҳсулотларини етиштиришни ривожлантиришда ҳам битта мақсад сари йўналтирилган ташкилий-иқтисодий, агротехнологик тадбирлар мажмуини талаб этилади. Мақсад эса бозор талаби доирасидаги (микдор), яхшироқ сифатдаги арзонроқ маҳсулотларни етиштириш орқали умумий ҳолда микроиқтисодиёт даражасида фермер хўжаликлари оладиган даромадлари микдорини ошириб бориш, макроиқтисодий даражада эса мамлакат ички бозорини боғдорчилик маҳсулотлари билан тўйинтириш, аграр тармоқ маҳсулотларининг ташқи бозорларда эгаллаган ўрнини мустаҳкамлаш ва кенгайтиришдан иборат бўлади.

Боғдорчилик соҳасини ривожлантириш ишлаб чиқариш соҳаси орқали ёки мажмуа доирасида агросаноат фирмалари фаолияти орқали амалга оширилишидан қатъий назар тармоқдаги ўзига хосликлардан тўлиқ ва самарали фойдаланиш талаб этилади. Боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларини ривожлантиришда ҳисобга олиниши лозим бўлган ўзига хос жиҳатлари бизнинг назаримизда, икки гуруҳлардан иборат бўлиши лозим (1.1-расм).



1.1-расм. Боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари³

Биринчи гуруҳга бевосита боғдорчилик соҳасида ишлаб чиқариш фаолиятини юритиш билан боғлиқ бўлган ўзига хос хусусиятларни киритиш лозим бўлади. Ушбу хусусиятларга:

³ **Манба:** Муаллиф томонидан тузилган.

Боғдорчилик маҳсулотлари таркибининг хилма-хиллиги ва турли кўриниш, тавсиф ва тузилишдаги маҳсулотлар етиштирилиши билан боғлиқ масала ҳисобга олиниши лозим. Боғдорчиликда кўплаб турдаги маҳсулотлар етиштирилиши билан биргаликда маҳсулотлар хусусиятлари ташқи кўриниши, товарлилик хусусиятлари, истемолчиларнинг сотиб олишдаги мақсадлари доирасидаги (истеъмол учун) фарқлар билан бир-биридан кескин ажралиб туради.

Одатда мевалар уруғли меваларга (олма, нок, беҳи), данакли меваларга (ўрик, шафтоли, олхўри, олча, гилос), ёнғоқсимонлар (ёнғоқ, бодом), субтропик мевалар (анор, анжир, хурмо), майда меваларга (кулупнай, смородина) бўлинади. Ушбу боғдорчилик маҳсулотлари бир-биридан катта фарқларга эга.

Боғдорчилик маҳсулотлари пишиб етилиш даври бўйича бир-биридан фарқ қилади. Бу давр республикамиз шароитида эрта баҳордан то кеч кузгача давом этади. Меваларнинг битта тури бўйича ҳам мавжуд бўлган бундай фарқ бошқа қишлоқ хўжалиги экинларида кузатилмайди. Масалан, олманинг эртапишар навлари эрта баҳорда пишиб етилади. Айни пайтда ёз ойларида ҳам, кеч кузда ҳам пишадиган олма навлари мавжуд. Ушбу хусусиятлар фермер хўжаликларини ривожлантиришда уларнинг ҳудудий жойлашуви, маҳаллий бозорларнинг талаби каби ҳолатлар қатори ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқ.

Боғдорчилик маҳсулотларининг барчасини сақлаш мумкин. Аммо бу жараён ортқча сарф-харажатларни талаб этади. Шу боис уларнинг сақлаш учун қулай бўлган турлари ва навларини танлаш мақсадга мувофиқ. Масалан, уруғли меваларнинг барчаси сақлаш учун қулай бўлса-да, одатда, олманинг сақлашга факатгина кечпишар (қишги) навлари олинади.

Барча боғдорчилик маҳсулотлари транспортда ташиш учун қулай эмас, лекин уларнинг барчасини қайта ишлаш имконияти мавжуд. Уруғли мевалардан сифатли ва тўйимли мева шарбатлари, мураббоблар, турли джемлар тайёрланса, данакли мевалардан турли мураббоблар, компотлар ва шарбатлар тайёрласа бўлади. Лекин, қайта ишлашда бу жараёндаги технологияларнинг мураккаблик даражаси турличалиги ҳам атрофлича ҳисобга олиниши лозим. Жумладан, майда мевалар, субтропик мевалар ва данакли мевалар саноат асосида, шунингдек, уй шароитида консервалар, мураббоблар ва турли компотлар тайёрлаш учун жуда қулай, уруғли мевалардан тайёрланадиган турли шарбатлар эса мураккаб технологиялар талаб этади.

Масаланинг муҳим томони шундаки, замонавий технологиялардан фойдаланмасдан туриб, қайта ишланган мевалар билан нафақат ташқи бозорга, балки, ички бозорга ҳам кириш қийинлашмоқда. Бозорларда рақобат кучайиб истеъмолчилар дидлари ортаётгани ишлаб чиқарувчидан масалага жиддий ёндашув талаб этилади.

Шунингдек, дунё бозори талаби ўзгариши йўналишларига эътибор берадиган бўлсак, қайта ишланган мева ва сабзвот маҳсулотлари истеъмоли камайишини илғаш мумкин. Бу масала ҳам боғбонларимиз диққат- эътиборида бўлиши лозим.

Иккинчи гуруҳга эса боғдорчилик соҳасидаги фермер хўжаликлари фаолияти билан боғлиқ бўлган ўзига хос хусусиятларни киритиш мумкин.

Улар қуйидагиларда намоён бўлади:

-боғдорчилик соҳасида ташкил этилаётган фермер хўжаликлари ер майдонлари ўртача

2,0-2,5 гектарни ташкил этиши боис ушбу хўжаликларда етиштириладиган боғдорчилик маҳсулотлари ҳажмлари ҳам кичик миқдорда бўлади. Кичик-кичик ҳажмларда маҳсулот етиштирувчи фермер хўжаликларида маҳсулотларни ташиш, сақлаш ва сотиш жараёнларида, шунингдек, инвестициялар жалб қилиш борасида қатор иқтисодий муаммолар туғилади. Бу эса, ўз навбатида, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга тўсиқ бўлувчи оқибатларга олиб келади;

-боғдорчилик маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликлари раҳбарларидан соҳа билан боғлиқ бўлган етарли даражадаги билим, тажриба ва маҳорат талаб этилади. Боғ яратиш, дарахтларга шакл бериш, уларни парваришlash, ҳосилни зарарқунанда ва касалликлардан ҳимоя қилиш масаласига жиддий ёндашмасдан йиллик ҳаражатларни қоплаб, фойда келтирадиган ҳосил олиш мумкин эмас. Бу соҳада янгидан иш бошлаётган фермер хўжаликларига тегишли мутахассислар ёллаш, уларнинг билимларини ошириб бориш борасидаги доимий ўқув курсларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ;

-боғдорчилик соҳасидаги фермер хўжаликлари аксарият ҳолларда маданий

деҳқончилик ҳудудларидан узоқда, мамлакатимизнинг тоғли ва тоғ олди адир

ҳудудларида ташкил этилган. Демак, улар олдида асосий ва йирик бозорлардан анча

узоқда жойлашганлиги боисдан маҳсулотларни пишиб етилган пайтида бозорларга

олиб бориш, моддий-техник ресурслар сотиб олиш билан боғлиқ бўлган транспорт

муаммоси пайдо бўлади. Бу масала ҳам фермер хўжаликларида янгидан боғ барпо этиш

пайтида алоҳида ҳисобга олиниши лозим бўлган масала ҳисобланади;

- республикаимиз шароитида боғдорчилик маҳсулотлари етиштиришни интенсив асосда ташкил этиш имконияти фақатгина суғориладиган деҳқончилик ҳудудларида катта, аммо лалми деҳқончилик қилинадиган, шунингдек, тоғли ва тоғ олди ҳудудларида ҳам боғдорчиликни ривожлантириш учун катта имкониятлар мавжуд. Тоғларда қиш ва баҳор мавсумларида тўпланадиган намлик ва ёғин-сочинлардан, тоғ олди ҳудудларининг аксарият ҳолларда тошлоқ ер майдонларидан самарали фойдаланишда боғдорчиликнинг ўрни беқиёс;

-юқорида таъкидланганидек, боғдорчилик маҳсулотлари етиштириш фермер хўжаликлари раҳбарларидан турли меваларни етиштириш агротехикасини ва кўчат етиштириш, дарахтларни парваришlash усуллари ва қоидаларини ўзлаштиришни тақозо этади. Бу ерда нафақат ҳар бир мевали дарахт турлари бўйича, балки, битта турга мансуб бўлган дарахтлар навлари ҳам бир-биридан фарқланувчи агротехникага эгаллиги фермер хўжаликларини ривожлантиришда ҳисобга олиниши лозим бўлган муҳим хусусиятлардан биридир;

-боғдорчилик соҳаси асосан қўл меҳнатини кўп талаб қиладиган соҳа бўлиши

билан биргаликда, тоғли ҳудудларда боғ яратиш, унга ишлов бериш, механизация воситаларидан фойдаланиш янада қийинлашади. Шунингдек, боғдорчилик фермер хўжаликларининг молиявий аҳволи қониқарли эмаслиги боис уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга имкон бермаётган ҳозирги шароитда, маҳсулот етиштириш жараёнини механизациялаш даражаси янада пасайиши ва асосий жараёнларнинг қўл меҳнати билан бажарилиши, республикамиз ҳудудларида фермер хўжаликларини ривожлантириш жараёнида ҳисобга олиниши лозим;

-маълумки, республикамизда боғдорчилик соҳасидаги тажрибалар, маҳсулот етиштириш сирлари асосан уста боғбонларда авлоддан - авлодга ўтиб келиши ушбу соҳадаги фермер хўжаликлари аксарият ҳолларда оилавий асосда ташкил этилишига олиб келади. Боғдорчилик соҳасидаги фермер хўжаликларида ёлланган ишчилар асосан ерга ишлов бериш, ҳосилни йиғиштириб олиш жараёнларида иштирок этишади. Шу боисдан ҳам боғдорчилик соҳасида янгидан иш бошлаш маълум қийинчиликлар туғдиради, фермердан тажриба ортириш ва боғдорчилик сирларини, илмларини эгаллашни талаб этади.

Шунинг учун ҳам фермер хўжаликлари бундай тадбирлар учун зарур бўладиган молиявий маблағлар манбалари мавжудлигини (янги боғларни ташкил этишга сарф қилинган инвестициялар боғлар ҳосилга киргунга қадар иқтисодий жиҳатдан қайтим бермаслигини ҳисобга олган ҳолда), моддий ва меҳнат ресурсларига эга бўлиш имкониятларини олдиндан режалаштиришлари зарур;

- мамлакатимизда боғдорчилик соҳасида иқтисодий фойдали ҳосил шаклланиши даври эрта баҳор пайтларига тўғри келади (асосий турдаги мевали дарахтлар гулга кириши ва мева тугунчаларининг уруғланиши).

Айни шу пайтда ёғингарчиликлар, ҳавонинг қисқа муддатли кескин совиши ва ҳатто қор ёғиши ҳолатлари учраб туриши боисдан мевали дарахтларда ҳосил элементлари нобуд бўлиб, мевалар шаклланишига салбий таъсир этади, ҳосил камайиб кетишига олиб келади. Бундай вазиятлар, айниқса, республикамизнинг тоғли ва тоғ олди ҳудудларда тез-тез учраб туриши боғдорчилик соҳасининг хусусан, фермер хўжаликлари иқтисодий аҳволининг табиий-иқлим шароитлари ўзгаришига (таъсирчанлиги) боғлиқлигини янада оширади.

Табиий-иқлим шароитлари тез ўзгариши ҳавфи юқори бўлган ва табиий офатлар (дўл уриши, мевалар гуллаши пайтида кучли ёмғир ва қор ёғиши, эрта баҳорда кутилмаган совуқ бўлиши) тез-тез учрайдиган ҳудудларда фермер хўжаликларини молиявий зарарлардан ҳимоялаш тадбирлари ишлаб чиқиши лозим. Бунда иқтисодий ва молиявий ҳимоялаш тадбирлари билан биргаликда суғурталаш дастакларидан ҳам унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Демак, боғдорчилик йўналишдаги фермер хўжаликларини ривожлантириш тадбирлари ишлаб чиқиши ва амалга оширилиши пайтида соҳанинг ўзига хос бўлган, юқорида қайд этилган, шунингдек, ҳар бир ҳудуд шароитлари билан боғлиқ хусусиятларини ҳисобга олиб, улардан унумли фойдаланиш бундай хўжаликларнинг иқтисодий барқарорлиги гарови ҳисобланади.

1.2. Боғдорчилик соҳасини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий асослари

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, соҳанинг барча тармоқларини модернизация қилиш, ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, замонавий ресурстежамкор агротехнологияларни жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш ва маҳсулот таннархини пасайтириш, меҳнат унумдорлигини оширишни рағбатлантириш ҳамда шартномавий-иқтисодий муносабатларни янада такомиллаштиришни таъминлайдиган ташкилий чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида 2015 йилда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимида бир қатор ижобий кўрсаткичларга эришилди.

Жумладан, ҳисобот йилида вазирлик тизимидаги корхоналарда 2014 йилга нисбатан қиёслама баҳоларда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 130,0 фоиз, халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш 100,8 фоиз, қурилиш-монтаж ишлари ҳажми 103,0 фоизга ошди. Товарлар ва хизматлар экспорти дастури доирасидаги йиллик прогноз кўрсаткичлари 154 фоизга бажарилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 17 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги Инвестиция дастури тўғрисида”ги қарорига асосан Ҳукумат қафолати остида манзилли дастурлар доирасида вазирлик тизимида амалга оширилаётган 20 та лойиҳа бўйича ҳисобот даврида 79,78 млн АҚШ доллари миқдоридаги маблағ жалб этилиб, 81,94 млн АҚШ доллари ҳажмидаги инвестиция ўзлаштирилди.

“Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури” бўйича жами 350,4 млрд сўмлик бюджет маблағлари ўзлаштирилиб, 285 минг гектардан ортиқ суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати, 381,6 минг гектар ер майдонларининг сув таъминоти яхшиланишига эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 4 февралдаги “2014–2016 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюм ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастури тўғрисида”, 2015 йил 15 февралдаги “2015–2019 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюм ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастури тўғрисида”ги қарорлари асосида тизимдаги корхоналар томонидан 13 та лойиҳа бўйича 18 млрд 241,3 млн сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Фермер хўжаликларининг ер майдонларидан самарали фойдаланилиши, уларнинг молиявий иқтисодий ҳолатининг барқарорлигини оширишни таъминлаш мақсадида, ҳудудларнинг меҳнат ресурслари билан таъминланганлик даражаси каби кўрсаткичларни инобатга олган ҳолда фермер хўжаликларини юритиш учун берилган ер участкаларини мақбуллаштириш тадбирлари амалга оширилди.

Боғдорчилик соҳасини ривожлантиришда фермер хўжаликлари учун яратилган шарт-шароитлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасига хизмат кўрсатиш тизимининг яхши йўлга қўйилганлиги, моддий-техник таъминот ва маҳсулотларни сотиш муаммоларининг қандай ҳал этилганлиги ва бошқа шу каби масалалар фермер хўжаликлари ривожланишида муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

Боғдорчилик маҳсулотлари етиштириш соҳасида фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг муҳим ташкилий асосларидан бири сифатида, ширкат хўжаликлари ўрнида ихтисослашган боғдорчилик фермер хўжаликлари шаклланиши жараёнини ажратиб кўрсатиш мумкин. Ушбу жараёнда фермер хўжаликлари фаолиятида мулкӣ муносабатлар шаклланиб, қарор топмоқда.

Фермер хўжаликлари фаолиятининг ташкилий асосларини иккита катта гуруҳга бўлган ҳолда қараб чиқиш мумкин. Бунда биринчи гуруҳдан, фермер хўжаликлари фаолиятини йўлга қўйишга дахлдор ташкилий масалалар, иккинчи гуруҳдан эса фермер хўжаликларининг боғдорчилик маҳсулотлари етиштириш ва турли хизматлардан фойдаланиши билан боғлиқ бўлган фаолиятини йўлга қўйиш борасидаги ташкилий масалалар жой олиши мақсадга мувофиқ. Хусусан, биринчи гуруҳга кирувчи масалалар

- фермер хўжаликлари томонидан ер майдонларини ижарага олиш, мавжуд боғларга (ширкат хўжаликлари ўрнида ташкил этилган ҳолатда, ширкат хўжаликлари аъзолари томонидан хусусий мулк сифатида танлов асосида фермер хўжаликларини ташкил этиш мақсадида сотиб олинган боғлар) эгалик қилиш ва мевали боғлардан фойда келтирувчи мулк сифатида фойдаланиш муаммоларини самарали ҳал этиш масаласи;

- инфратузилма объектларига эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ ташкилий ва ҳуқуқий масалалар (фермер хўжаликларининг хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш инфратузилма объектларига биргаликдаги таъсисчи сифатидаги эгаллиги тушинилмоқда);

- моддий-техник воситалар, бино ва иншоотларга эгалик қилиш (биргаликда таъсисчи сифатида) ва улардан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш масалалари;

- фермер хўжаликларидаги ишлаб чиқариш жараёнини “сифатли” меҳнат ресурслари билан таъминлаш ва ишчи кучини жалб этиш билан боғлиқ ташкилий масалалар;

- фермер хўжаликларини ташкил этишда хўжаликнинг Устави ва иқтисодий-хўжалик фаолиятини белгиловчи турли Низомларини ишлаб чиқиши ва уларни тегишли тарзда тасдиқлаш;

- фермер хўжаликларини бошқариш, уларнинг фаолиятини назорат қилиш, мувофиқлаштириш ва хўжаликда ишлаб чиқариш жараёнини йўлга қўйиш ташкилий тузилмаларини шакллантириш;

- фермер хўжаликларининг фаолиятига дахилдор меъёрий ҳужжатларни расмийлаштириш, бу тоифадаги хўжаликларга банкларда ҳисоб рақамлари очиш, уларни давлат рўйхатидан ўтказиш билан боғлиқ бўлган ташкилий масалаларни ҳал этиш каби масалаларни қамраб олади.

Юқоридаги ташкилий масалаларни фермер хўжаликлари фаолиятини йўлга қўйишнинг дастлабки давридаги ташкилий муаммолар сифатида қарайдиган бўлсак, фермер хўжаликларининг кейинги фаолияти билан (маҳсулотлар етиштириш ва уни истеъмолчиларга етказиб бериш) боғлиқ бўлган ташкилий масалаларга асосан қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ишлаб чиқариш жараёнида меҳнатни ташкил этишнинг (доимий ва мавсумий меҳнат ресурсларидан фойдаланишни ташкил этиш) самарали шакл ва усулларида фойдаланиш;

- ерга ишлов бериш тадбирларини ўз вақтида ва сифатли ташкил этиш, хўжаликларнинг махсус моддий-техник базасини шакллантириш;

- мевали дарахтларни парваришлаш тадбирларини ташкил этиш ва амалга

ошириш;

- ҳосилни турли зарарли ҳашоратлар ва касалликлардан ҳимоялашнинг турли усуллари ва шакллари қўлланишини йўлга қўйиш;

- ҳосилни йиғиштириб олиш, тайёрлаш ва савдо тизимига чиқариш (сақлашга жўнатиш) тадбирларини ташкил этиш каби йирик ташкилий тадбирларга бўлиш мумкин.

Фермер хўжаликларида ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланиш масаласи асосий муаммолардан бири бўлиши лозим. Чунки? боғдорчилик соҳаси аксарият ҳолларда тоғ олди ва тоғли ҳудудларда, лалми деҳқончилик қилинадиган массивларда жойлашганлиги сувдан фойдаланиш масаласини жуда мураккаблаштиради. Шу боис бу ерларда сувни тежаш технологияларини такомиллаштириш, табиий намликни сақлаш тадбирларини амалга ошириш талаб этилади. Шунинг учун ҳам бундай ҳудудларда мавжуд табиий шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда фермер хўжаликларида мевали дарахтларни жойлаштиришни илмий асосланган тавсиялар асосида ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Боғдорчилик соҳаси қишлоқ хўжалигининг мураккаб тармоқларидан бири ҳисобланади. Бу соҳада ҳам қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг мавсумийлик характери таъсири жуда катта. Лекин тармоқда маҳсулот етиштириш жараёни аввало табиат инжиқликларига жуда берилувчан бўлиши билан ажралиб туради. Масалан, пахтачиликда эрта баҳорда тўсатдан юз берган кучли совуқ ёки дўл уриши натижасида майсалар нобуд бўлади. Бунда ортикча сарф-ҳаражатлар эвазига далага қайта чигит экилади ёки қўшимча экиш йўли билан кўчат тўлиқлиги таъмин этилади. Бу эса пахтачилик тармоғи ҳисобидан хўжаликлар оладиган фойда миқдорининг камайишига олиб келади. Аммо, боғдорчиликда эса кучли совуқ ёки дўл уриши натижасида кўрилган зарар умуман ўзгача вазиятни юзага келтиради. Чунончи бунда боғбонлар томонидан кўрилган ҳар қандай қўшимча тадбирлар ҳам ҳосил ўрнини қоплаш имконини бермайди. Йўқотилган ҳосилни тўлиқ тиклаш тиклаш ёки қисман тиклаш мумкин эмас, фақатгина кейинги йилда ҳосил олиш мумкин бўлади. Ҳатто жорий йилдаги табиий офатлар ҳосил шохлари зарарланиши ҳисобига кейинги йил ҳосилига ҳам маълум даражада зарар етказиши мумкин. Жорий йилда боғлар фермер учун иқтисодичилар тили билан айтганда «бир йил муддатга музлатилган капитал» га айланади. Бу эса боғбонларга аввалдан вариантли ташкилий тадбирлар режалари ишлаб чиқишга зарурат туғдиради.

Республикамиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислохотлар, тармоқ ривожини таъмин этишда, тармоқнинг ўзига хос хусусиятларидан унумли фойдаланган ҳолда, ташкилий, ҳукуқий ва иқтисодий масалаларни комплекс равишда ҳал этиб боришни тақозо этади. Чунки, тармоқни ривожлантириш борасида ишлаб чиқилган ва қабул қилинган меъёрий ва ҳукуқий ҳужжатларни амалиётга тадбиқ этиш, жойларда ташкилий масалаларни ҳал этмасдан туриб амалга ошириш мумкин эмас.

Ўз ўрнида боғдорчилик маҳсулот етиштиришдан тортиб то истеъмолчиларга етказиб беришгача бўлган жараёнларни режалаштиришда қисқа муддатли бизнес режалаштириш ва узоқ муддатли стратегик режалардан фойдаланилади.

Бозор шароитида ишлаб чиқариш жараёнини режалаштиришнинг моҳияти тубдан ўзгаради, ҳолда зарурарати эса ортиб боради. Фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш ва маҳсулот сотиш фаолиятларини режалаштиришда боғлар тупроғи унумдорлигини ошириш, мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сувдан самарали фойдаланиш асосида боғлар ҳосилдорлигини ошириш учун замин яратиш кўзда

тутилиши лозим.

Ишлаб чиқаришни режалаштиришнинг муҳим бўғинларидан бири хўжаликда моддий-техник ресурслар сотиб олиши учун зарур бўладиган молиявий манбалар шаклланиши ва харид қилиш имкониятларини ҳисобга олиш ҳисобланади. Чунки, бугунги кунда йўналишидаги аксарият боғдорчилик фермер хўжаликлари боғларга ишлов бериш техникаларига, асбоб-ускуналарига эга эмаслар. Шунингдек, минерал ўғитлар, касаллик ва зараркунадаларга қарши курашиш воситалари ва ёқилғимойлаш материаллари таъминоти тизими ҳам яхши йўлга қўйилмаган. Ушбу масалаларнинг реал ечимларини режали кўзда тутмасдан туриб ишлаб чиқаришни самарали йўлга қўйиш мумкин эмас.

Фермер хўжаликларига боғдорчилик маҳсулотлари етиштириш, маҳсулотларни қайта ишлаш, сақлаш ва ташиш жараёни билан боғлиқ бўлган замонавий асбоб-ускуналар, мини технологиялар харид қилиши учун узоқ муддатли (8-10 йил) имтиёзли кредитлар ажратиш тартибини жорий қилиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, боғдорчилик соҳасини ривожлантиришда республика ва маҳаллий бюджетлар, дунёнинг етакчи молиявий институтлари мақсадли кредитлари, фондлар, ташкилотларнинг ҳомийлик ва турли грантлар маблағлари ҳисобидан ҳам соҳани ривожлантириш имкониятларидан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

Боғдорчиликнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга оладиган бўлсак, суғурталаш тизимини такомиллаштириш фермер хўжаликлари фаолиятини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Суғурталаш борасидаги бугунги кундаги муаммолар таҳлиллари шуни кўрсатмоқдаки, боғдорчилик соҳаси ўсимликчиликнинг бошқа соҳаларига қараганда ҳам кўпроқ суғурта тизими ривожланишидан манфаатдор бўлади. Аммо, бу борадаги ишлар бугунги кунда кўнгилдагидек эмас. Бунда асосан боғдорчилик фермер хўжаликлари ҳисоб рақамларида ҳосилни суғурталаш даврида эркин пул маблағлари етишмаслиги боисдан суғурта бадалларини тўлаш имконияти чекланиб, тузилган суғурта шартномалари кучга кирмасдан қолмоқда. Шу боис боғдорчилик ривожланиши бугунги босқичида суғурта тизимини ёки фермер хўжаликларини суғурталаш учун молиявий маблағлар билан таъмин этиш тизimini такомиллаштириш зарурати ортиб бормоқда.

Бозор муносабатлари ривожланиб бориши шароитида, боғдорчилик соҳасида фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларининг маҳсулот етиштириш ва уни сотиш ҳисобидан эришадиган якуний пировард натижалари қандай бўлиши, аграр тармоқда микроиқтисодий ва макроиқтисодий кўламда ташкилий ва иқтисодий механизмлар қандай даражада йўлга қўйилганлигига тўлиқ боғлиқ бўлиб қолади.

Боғдорчиликни ривожлантириш борасида хорижий давлатларда тўпланган тажрибалардан фойдаланиш ёки ўз имкониятларимизни хорижий давлатларда эришилган натижалар билан таққослаш боғдорчилик тармоғини ривожлантириш йўналишларини белгилашда катта аҳамият касб этади.

Жумладан, мева етиштириш масаласи Россия Федерациясида мамлакат озиқ-овқат муаммоси ҳал этилиши йўналиши сифатида талқин этилади. Шу билан биргаликда Россия дунё бўйича меваларни импорт қилувчи етакчи мамлакатлар қаторига кириб, 6 ўринда туради. Россия олимларининг фикрларига кўра мамлакатда мева етиштириш боғлар ҳосилдорлиги пастлиги туфайли рақобатбардош эмас. Чунки паст ҳосилдорлик мева етиштирувчи хўжаликлар учун етарли миқдордаги даромларга эга бўлиш имконини бермайди ва натижада соҳага

инвестиция жалб қилиш имкониятларини чегаралайди [4.13].

Айни пайтда боғдорчиликда интенсив технологиялардан фойдаланиш орқали ҳосилдорликни ошириш устида ва шунингдек, мевали дарахтлар кўчатчилигини ривожлантириш;

- совуққа чидамли мевалар навларини яратишда трансген инженерия услубларидан фойдаланиш кўламини кенгайтириш;

- боғдорчиликни механизациялаш даражасини ошириш, минерал ўғитлар билан озиқлантириш тизимини такомиллаштириш;

- меваларни сақлаш тизимини ривожлантириш ва ҳосили сақлашга мослашган мевали дарахтлар навларини яратиш;

- маҳсулот сотишнинг бозорга хос йўллари кидириб топиш, бунда камида 6 минг тонна маҳсулот етиштирувчи хўжаликлар салмоғини ошириш;

- мева етиштириш, тайёрлаш, қайта ишлаш ва сақлаш соҳаларини фаолиятини ягона тизим сифатида инвестициялар жалб қилиш каби йўналишларнинг устиворлиги илгари сурилмоқда.

Соҳани ривожлантиришда шунингдек, солиққа тортиш, кредитлаш тизимларини соддалаштириш, боғдорчилик учун ресурслар ишлаб чиқарувчи тармоқлардаги баҳо шаклланишини тартибга солиш, аграр илм-фанини ривожлантириш йўналишларига долзарб масала сифатида қаралмоқда.

Россия Федерациясида боғдорчиликни ривожлантириш йўналишида олиб борилаётган муҳим ва республикамиз учун долзарб тадбирлардан бири мевали дарахтларни агроиклим хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда районлаштириш масаласи ҳисобланади. Бунда муҳим омил сифатида ўртача йиллик қуёш ёруғлиги даражаси, ҳарорат етарли бўлиши, намлик режими ва тупроқ унумдорлиги каби хусусиятларга катта эътибор берилмоқда.

Республикамиз шароити боғдорчилик учун қулай бўлиб, чекланмаган миқдорда қуёш энергияси, иссиқлик мавжудлигига қарамасдан ҳудудий районлаштириш масаласи жуда долзарб. Чунки бунда ўзгача омилларни ҳисобга олиш лозим бўлади. Жумладан, тупроқ унумдорлиги ва нам билан таъминланганлик даражаси ёки кескин ўзгарувчи иқлим хусусиятларига бардошлилик кўрсаткичлари билан мевали дарахтлар турли ҳудудларга турлича мослашган бўлишини ҳисобга олиш лозим бўлади.

Россия Федерациясида боғдорчилик соҳасида асосан йирик хўжаликлар фаолият юритишади. Шу боисдан ҳам бугунги кунда йирик хўжаликларнинг бозорга мослашиши қийин кечмоқда. Жумладан “молиявий қийинчиликлар туфайли кўплаб боғдорчилик хўжаликлари нафақат кенгайтирилган, балки оддий тақрор ишлаб чиқаришни ҳам таъмин этиш имкониятига эга эмаслар..” шу боисдан ҳам бугунги кунда олимлар томонидан боғдорчилик соҳасини интенсивлаш, техник куроллантириш, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш даражасини чуқурлаштириш, маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишлаш соҳаларини ривожлантириш, тармоқда маҳсулотларни етиштиришдан тортиб истеъмолчигача етказиб бериш жараёнларида кооперация тамойилларидан тобора кенгрок фойдаланиш йўналишлари тавсия этилмоқда.

Бу борада меваларни сақлаш тизимини ривожлантириш йўналишлари республикамиз учун анча эътиборга лойиқ. Жумладан, боғдорчилик хўжаликларида меваларни сақлашнинг газли муҳит усулидан фойдаланиш анча кенгайган бўлиб, бунда нафақат сақлаш технологияларини такомиллаштиришга, балки, меваларни сақлашга мослаштиришга уринишлар яққол кузатилади.

Меваларни сақлаш тизимини такомиллаштиришнинг қуйидаги асосий элементларини ажратиб кўрсатиш лозим;

- касалликларга чидамли ва сақлашга мослашган навларни яратиш ва жойлаштириш;

- агротехник тадбирларнинг мақбул нисбатларини ишлаб чиқиш (тупрок таркиби, боғларни озиклантириш, боғларга шакл бериш, зараркунанда ва касалликларга қарши кураш);

- аввалдан танланган параметрлар бўйича меваларни мақсадли етиштириш (ташқи кўриниши, сифати, шаклига бозор талаби асосида);

- омборхоналардан маҳсулотларни сотиш тартиби ва графикларини ишлаб чиқиш ва уларга риоя этиш тизимини яратиш йўналишларга ҳам эътибор бериш талаб этилади.

Боғдорчилик соҳасидаги қатор муаммолари билан Украина боғбонлари ҳам республикаимиз шароитига анча яқинлигини кўриш мумкин. Жумладан, Украина қишлоқ хўжалигида катта майдонларда суғорма деҳқончилик қилиниши натижасида мамлакатда сув танқислиги сезилиши ва бунда боғларни суғоришда сув тежовчи технологиялардан фойдаланиш амалиёти жуда қизиқарли. Мамлакатда томчилатиб суғориш технологиясини қўллаш ҳисобига олимлар томонидан боғлар майдонларини 2-3 марта кенгайтириш имкониятлари мавжудлиги асосланмоқда.

Шунингдек, мазкур масала республикаимиз қишлоқ хўжалиги учун ҳам жуда долзарб муаммога айланиб бормоқда. Айниқса сув манбалари жуда чекланган ва мавжуд боғларни суғориш қийин бўлган тоғли ҳудудларда бу масалага эътибор қаратиш талаб этилади.

Боғдорчиликдаги муҳим муаммолардан бири маҳсулот етиштириш ва сотишда кўп сонли ишлаб чиқарувчилар бирлашиши ҳисобланади. Бу борада дунё бўйича кооперация ҳаракати агросаноат мажмуи фаолиятини такомиллаштиришдаги кучли омилга айланди. Жумладан, АҚШ, Канада, Япония, Европа Иттифоқи мамлакатларида фермерлар кооперациясига давлат томонидан алоҳида аҳамият берилмоқда.

Давлат қишлоқ хўжалиги кооперативлари орқали фермерларни молиявий қўллаб-қувватламоқда. Натижада фермерлар ўзларининг ривожланган қайта ишлаш тармоқларига эга бўлишмоқда. Айниқса, Шимолий Европа мамлакатларида товар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 75-80 фоизи экспорти кооперативлар орқали амалга оширилади, Данияда эса 50 фоиз савзавот ва мевалар кооперативлар орқали қайта ишланса, жами 61 фоиз маҳсулотлар кооперативлар орқали етиштирилади ва истеъмочиларга етиб боради. Кооперативлар фермерлар манфаатини ҳимоя қилишнинг энг самарали усули сифатида шаклланган. Шунингдек, давлатнинг манзилли ёрдамлари ҳам фермерга етиб бориши кооперативлар орқали анча тезлашади.

1.3. Интенсив боғларни яратиш ва ривожлантиришнинг ўзига хос жихатлари

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш, уларнинг сифатини яхшилаш, шунинг баробарида, мевали дарахт кўчатлари турини кўпайтириш орқали интенсив боғлар барпо этиш борасида кенг қўлланма ишлар амалга оширилмоқда.

Авваламбор интенсив боғларни яратиш зарурияти қандай пайдо бўлгани, бундан кўзланган мақсад ҳақида тўхталб ўтсак:

Маълумки, интенсив боғлар кейинги йилларда бутун дунёда кенг тарқалиб, ривожланмоқда. «Интенсив» сўзининг луғавий маъноси жадаллаштириш демакдир.

Республикамизда юқори ҳосил берувчи пакана ва ярим пакана мевали (интенсив) боғларни барпо этишдан мақсад, республика аҳолисини мевага бўлган талабини тўлиқ қондириш, бозорларимиз тўкин-сочинлигини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини йилдан-йилга ошириб боришдан иборат.

Дастлабки кўчатлар синов сифатида қайси ҳудудда, қанча майдонга экилди? Шу кунгача республикамизда жами қанча гектар ерда интенсив боғлар яратилди?

2010 йили Республика раҳбариятининг ташаббуси билан интенсив технологиялар асосида парваришланадиган пакана ва ярим пакана олма, нок, олхўри, гилос ва шафтоли кўчатлари илк бор Украина ва Польша давлатларидан олиб келиниб, асосан Тошкент ҳамда Самарқанд вилоятларининг фермер хўжаликлари ер майдонларига экилди.

Ушбу боғлар мамлакатимизнинг тупроқ-иқлим шароитига тез мослашиб, қисқа муддат — орадан бир йил ўтиб, яъни 2011 йилдан бошлаб, мевали боғларнинг ҳар бир гектаридан 50-70 центнергача ҳосил олишга эришилди.

Натижада бундай боғларни йилдан-йилга кенгайтириш, уларни деҳқон ва фермер хўжаликларида барпо этиш мақсадида ҳукуватимиз томонидан аниқ манзилли чоратadbирлар дастури ишлаб чиқилди. Ҳозиргача республиканинг барча ҳудудларида жами 5,3 минг гектар, жумладан, Самарқанд вилоятида 1300 гектар, Тошкент вилоятида 1000 гектар, Навоийда 750 гектар, Қашқадарёда 600 гектар, Сурхондарё, Наманган ва Андижон вилоятларида 400 гектардан пакана ва ярим пакана мевали боғлар барпо этилди.

— Интенсив боғларда асосан олма кўчатлари экилишининг боиси олма дарахтининг кўчатлари тез ҳосилга киради, гектарига кўчат сони қалин экилиши (2000-2500 дона) сабабли ҳосилдорлик юқори бўлади.

Бунда экилаётган олма навлари пайвандтагга пайванд қилиниб, кўчатзорларда кўпайтирилиб, экилади. Интенсив мевали боғларда экилаётган олма кўчатларининг асосий навлари Давлат реестрига киритилган Голден Делишес, Старкримсон, Ренет Симиренко ва бошқалардир.

— Экилаётган олма навларининг кўпчилиги кузги ва қишки навлар бўлиб, мевалари мамлакатимизда етиштирилганлиги боис уларнинг таъми, ширинлиги, витаминларга бойлиги ўзимизнинг олма навларидан фарқи бўлмайди. Айрим кечки навларнинг таъми нордон, ширин, ташқи кўринишининг чиройлилиги ва ҳосилдорлиги илмий-тадқиқот институтларининг олимлари томонидан ўрганилмоқда.

— Пакана пайвандтагга ўстириладиган олма навлари иккинчи йилдан ҳосил бера бошлайди ҳамда 4-5 йилдан бошлаб 40-60 тонна ҳосил олинади. **Пакана** пайвандтагга олма кўчатининг бир тупи 20-25 килограммгача ҳосил беради, 18-20 йил яшайди. **Ярим пакана** пайвандтагга ўстириладиган олма кўчатлари бир тупи 45-50 кг ва ундан ҳам кўп ҳосил беради. 1 гектардан 30-40 тоннагача ҳосил олиш мумкин. 25-30 йил яшайди. Интенсив боғларнинг келажаги яхши, фақат уларни тўғри ва ўз вақтида парваришлаб борилса, кўзланган мақсадга эришилади.

— Интенсив боғларнинг афзаллиги бу дарахтларнинг танаси кичик бўлганлиги учун улар билан ишлаш (ишлов бериш, суғориш, кесиш, шакл бериш, дори сепиш ва мевани териш) қулай.

Бундай боғларда танасига ёруғлик тушиш ҳаво айланиши яхши бўлганлиги боис мевасининг сифати юқори бўлади. Мевани теришда анча қулайликлар бор, айниқса, симбағазга олинган боғларда нарвон ишлатилмасдан ҳосил терилади. Бунда иш унумли, юқори бўлиши билан бирга терилган маҳсулотларнинг товар сифатига зарар етмайди, нобудгарчилик камаяди.

Бундай дарахтларнинг илдизлари вегетатив йўл билан кўпайганлиги учун илдизи попул илдиз бўлганлиги боис тупроқда пастга чуқур кетмайди. Пакана пайвандтагга уланган кўчатнинг илдизи тупроқда асосан 60-70 см. чуқурликда жойлашади.

Ушбу кўчатларнинг илдизлари тупроқ устига яқин жойлашгани сабабли улар сувга

талабчан, тупроқда намлик нормал бўлиши керак. Бунинг учун уларни томчилатиб суғориш тизимига ўтказилганда, кўчатлар яхши ўсиб, тез ривожланади.

Томчилатиб суғориш тизимлари қўлланилганда суғоришга бошқа суғориш усулларидагига нисбатан 30 фоиздан 40 фоизгача кам сув сарфланади, минерал ўғитлар 50 фоизгача иқтисод қилинади. Шунингдек, томчилатиб суғорилганда етиштирилган мева шаклининг бир хиллиги сақланиб қолади.

Олинадиган ҳосилнинг миқдори, сифати ҳамда ундан олинадиган даромад яққол кўриниб турибди. Шу боис келгусида республикада суғориладиган ерларнинг чегараланганлигини ҳисобга олиб, интенсив боғларни лалми, тоғ ва тоғолди ҳудудларда барпо этиб, улардан мўл ва сифатли маҳсулот олиш борасида чора-тадбирлар белгиланмоқда.

— Энди, бироз ҳисоб-китобларга тўхталсак. Бугунгача жами 244,3 минг гектар мевали боғлар шундан 5,3 минг гектар интенсив мевали боғларни ташкил этмоқда. Ўртача ҳисоб-китоб қилинганда республика бўйича 2012 йилда 2 млн тоннадан ортиқ мева етиштирилди.

Бугунги кунда ички бозорларимизда мевага бўлган талаб жуда катта. Ҳар бир оила ўзининг дастурхонида мевалар ичида кўпроқ олма бўлишини хоҳлайди. Олма ҳар томонлама фойдали, ундаги дармон дорилар, кислоталар, темир моддасининг кўплиги инсон саломатлигига ижобий таъсир этади.

Интенсив боғлар деганда фақат олманинг навини тушуниш нотўғри. Яратилаётган интенсив боғларимизда олмадан ташқари нок, беҳи, ўрик, олхўри, шафтоли, гилос ва хурмо навларининг ҳам кўчатлари экилмоқда.

Келгусида яратиладиган интенсив боғлар асосан мавжуд боғларни яхши навлар билан билан ёшартириш ва эски, қариб қолган боғларни олиб ташлаб, улар ўрнида барпо этилади. Келажакда янги боғларимиз асосан эскиларини қайта таъмирлаш ва илғор агротехникаларни қўллаш ҳисобига ортиб боради.

— Янги интенсив мевали боғларнинг яратишдан мақсад, аввало халқимизни йил давомида тўлиқ мева маҳсулотлари билан таъминлаш, қайта ишлаш, экспорт қилинаётган мева турлари ва ҳажмини ошириб боришдир. Ҳозирда мева маҳсулотларимиз нафақат Қозоғистон ва Россия мамлакатларига, балки Европа давлатларига ҳам экспорт қилинмоқда. Бундан кейинги бизнинг асосий мақсадимиз экспортёр давлатлар билан ҳамкорликни кенгайтиришдан иборат.

Хулоса қилиб айтганда, юртимизда бундай боғлар келгусида янада кенгаяди, кўшимча иш ўринлари яратилади. Мазали, витаминларга бой мевалар янги технологиялар асосида қайта ишланиб, четга чиқариш йўлга қўйилади. Буларнинг барчаси мамлакатимиз иқтисодий қудратини янада оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Кейинги йилларда юртимизда интенсив боғлар яратишда асосан тоғ ва тоғолди ҳудудлари, шунингдек, сув тақчил ерларда пайвантагларга пакана илдиз-бўғиз қўйиш йўли билан етиштирилган кўчатлардан фойдаланиш технологияси кенг жорий этилмоқда. Бундай боғлар икки йилда мева тугиб, тўртинчи йилда гектаридан 50-60 тоннагача ҳосил бериши билан ажралиб туради.

Масалан, ўтган йили республикада жами 8 минг гектарлик боғлар яратилган бўлса, шундан 5,6 минг гектарини интенсив боғлар ташкил этди. Бундан ташқари, 4,1 минг гектардаги яроқсиз боғлар, 6,1 минг гектарлик тоқзорлар реконструкция қилинди.

Об-ҳавонинг ўзгариб бораётган, сув танқислиги сезила бошлаган даврда илмий асосланган, тажрибада синалган, қурғокчилик ва касалликларга чидамли мева навларини кўпайтириш соҳа ходимлари олдида турган энг муҳим вазифалар сирасига киради.

Бу борада академик Маҳмуд Мирзаев номидаги Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти жамоаси томонидан амалга оширилган ишлар эътиборга молик.

Институтда мева-узум навларининг катта коллекцион майдонлари ташкил этилган бўлиб, унда олманинг 394, нокнинг 57, беҳининг 12, ўрикнинг 135, шафтолининг 112, гилоснинг 28, олхўри ва йирик мевали олчанинг 42, кулупнайнинг 58, малинанинг 8, субтропик ўсимликларнинг 117, узумнинг 800 дан ортиқ нави мавжуд. Бундан ташқари, 500 дан ортиқ гибрид ўрганилмоқда.

— Кейинги йилларда селекционер олимларимиз томонидан бир қанча навлар яратилди, — дейди институт директори ўринбосари Бахтиёр Мирзохидов. — Районлаштирилган мева-узум навларининг 60 фоизини институтимизда яратилган навлар ташкил этади.

Мазкур даргоҳда инновацион лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш борасида ҳам талай ишлар амалга оширилмоқда. 2011-2014 йиллар давомида 17 та ана шундай илмий изланиш ниҳоясига етказилди. Биргина ўтган йилда олма, кулупнай ва қорағатнинг 1 тадан, узумнинг 2 та янги нави Давлат реестрига киритилди.

Бугунги кунда шифобахш чилонжийда мевасининг данагидан пайвантаг тайёрлаб, боғ яратиш устида иш олиб борилаяпти. Йил якунигача бир гектар майдонга экилган 15 хил узум навидан боғ барпо этиш, кулупнайнинг истиқболли 10 та нави кўчатини кўпайтириш кузда тугилган.

Куз-қиш мавсумида институт илмий ходимлари иштирокида Фарғона, Самарқанд, Бухоро ва Қашқадарё вилоятларидаги 760 та фермер хўжалигида «Боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантириш, пакана ва ярим пакана мевали боғларни барпо этиш, улардан юқори ҳосилли ва сифатли маҳсулотлар етиштириш» мавзусида ўқув-семинарлари ташкил этилгани ҳам эътиборга лойиқдир.

Мухтасар айтганда, олимлар ва фермерларнинг бундай самарали ҳамкорлиги юртимизнинг янада тўкин, дастурхонларимизнинг файзли бўлишини таъминлашга хизмат қилмоқда.

II боб. Наманган вилояти Косонсой туманида мева-сабзавот маҳсулотларини етиштиришни ривожлантиришнинг ташкилий - иқтисодий таҳлили

1.1. Наманган вилояти Косонсой туманининг ижтимоий иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари таҳлили

Косонсой тумани 1926 йилнинг 26 сентябрида ташкил топган. Туман Фарғона водийсининг шимолий қисмида жойлашган бўлиб, шимолда Қирғизистон Республикасининг Жалолобод вилояти Ала-буқа тумани билан, шарқдан Наманган вилояти Янгиқурғон тумани билан, Ғарбдан Чуст тумани билан ва жанубда Наманган шаҳри ва Тўрақўрғон

туманлари билан чегарадош бўлиб, Қирғизистон Республикаси билан умумий чегара узунлиги 47,5 км. Шундан 16 км тоғлик, 22 км текислик ва 9 км экин майдонларидан иборат.

Косонсой тумани маркази Косонсой шаҳри бўлиб, туман ҳудудида 7 та қишлоқ фуқаролар йиғинлари ва 60 та маҳалла фуқаролар йиғинлари мавжуд. Шундан 16 та маҳалла фуқаролар йиғинлари туман марказида, 44 таси эса қишлоқларда жойлашган.

Косонсой тумани рельефи асосан текислик-тоғ минтақалилик характерига эга. Ер юзаси шимолдан жанубга ва ғарбдан шарққа томон пасайиб боради. Денгиз сатҳидан ўртача баландлиги 650-950 м.

Туманнинг умумий майдони 518 кв.км, доимий аҳолиси 192,1 минг киши, шундан шаҳар ва шаҳарчаларда 117,1 минг киши, қишлоқларда 75,0 минг киши истиқомат қилмоқда.

Тумандан 15 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди. Аҳолининг умумий миқдорида ўзбекларнинг салмоғи 37,3 фоиз, тожиклар 61,2 фоиз, руслар, қирғизлар, татарлар ва бошқа миллатлар 1,5 фоизни ташкил этади.

Аҳолининг зичлиги 1 кв. километрга 370.9 киши тўғри келади. Косонсой тумани асосан суғориладиган деҳқончилик регионидир. Туман қишлоқ хўжалигини асосий тармоқ – пахтачилик ва ғаллачилик ташкил этади. Шунингдек, боғдорчилик, сабзавотчилик, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва асаларичилик соҳалари ҳам кенг ривожланиб бормоқда.

Туман ҳудудида 3 та сув омбори: Косонсой, Ертикан ва Қорасув сув омборлари мавжуд. Косонсой сув омборининг майдони 840 га, тўғон баландлиги 64 м, узунлиги 290 м бўлиб, 165 млн.м.куб сув тўплаш имкониятига эга. Вилоятнинг Косонсой ва Чуст туманларида экин майдонларини суғориладиган сув билан таъминлайди.

Қулай иқлим иқтисодиётнинг аграр тармоғини ҳамда соғломлаштириш муассасаларини ҳамда саёҳатчиликни ривожлантиришга кенг имкониятларни яратади. Экологик жиҳатдан сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш саноатини ривожлантириш имкони мавжуд.

Косонсой нафақат бетакрор табиати, балки бир неча минг йиллик тарихи, қадимий ўтроқ деҳқончилик маданиятига хос хусусиятларни ҳамда ўзбек ва тожик халқларнинг кўп асрлик бой миллий қадриятларини ўзида мужассам этган юрт сифатида ном қозонган.

Туманда доимий аҳоли сони 2016 йил 1 январ ҳолатига 192.1 минг кишини ташкил этди ёки йил бошига нисбатан 2.0 фоизга ўсди ёки вилоят аҳолисининг 7.4 фоизини ташкил этади

**Наманган вилояти Косонсой тумани ижтимоий-иқтисодий
ривожланиш кўрсаткичлари**

1-жадвал.

Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил
1	2	3	4	5	6	7	8
Аҳоли сони	минг киши	164.9	177.8	180.8	184.7	188.4	192,1
Меҳнатга лаёқатли аҳоли	минг киши	92.2	100.7	102.4	104.6	104.0	104.6
Шундан; ҳалқ хўжалигида банд бўлган аҳоли сони	минг киши	54.1	57.7	58.3	59.5	63.0	65.5
Янги иш жойлари яратиш	минг киши	5.7	5.7	6.2	6.2	6.2	6,2
Хар минг кишига туғилиш	киши	24.2	24.0	23.8	23.6	24,4	24,3
Хар минг кишига вафот этиш	киши	3.8	3.7	3.7	3.6	4,0	4,5
Хар минг кишига табiiй ўсиш	киши	20.4	20,1	20,1	21.6	20,4	19,8
Хар ўн минг кишига касалхоналардаги ўринлар сони	ўрин	44.0	44,0	44,0	41.3	41.3	38,2
Хар ўн минг кишига амбулатор- поликлиника муассасалари	Смена- катнов	120.0	121	122	93	93	88,9
Хар ўн минг кишига врачлар билан таъминланиш	бирлик	13.2	13,4	13,4	11.5	11.5	11,5
Хар ўн минг кишига ўрта медицина ходимлари билан таъминланиш	бирлик	86.0	86,6	86,8	74.0	74.0	73,1
Умумтаълим мактабларига ўқувчиларни бир сменадаги қамрови	фоиз	87.1	87,4	87,4	80.7	80.7	80,7
Мақтабгача тарбия муассасаларига болаларни жалб этиш	фоиз	12.6	12,7	12,7	12.5	12.5	19,1

Ҳукуматимиз томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган тадбирларнинг асосий вазифалардан бири - бу меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолини иш жойлари билан таъминлашдир.

Туманда меҳнат ресурслари сони 104,8 минг кишини, меҳнатга

лаёқатли аҳоли сони 104,6 минг киши бўлиб, меҳнат ресурслари сони жами аҳолининг 54,6 фоизини ташкил этди.

Иқтисодий фаол аҳоли 69,7 минг кишини ташкил этиб, шундан 65,5 минг нафари меҳнатда бандлар бўлганлардир. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида банд бўлганлар сони 56,2 минг киши бўлиб, жами банд аҳолининг 85,8 фоизини ташкил этди. Шундан кичик корхоналарда 4,2 минг, микрофирмаларда 5,0 минг, фермер хўжаликларида 5,1 минг ва деҳқон хўжаликларида 9,4 минг киши меҳнат қилмоқда. Якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланаётганлар сони эса 37,6 минг кишини ташкил этди. Йил якуни билан марча манбаларни ҳисобга олган ҳолда (расмий ва норасмий даромадларни қўшган ҳолда) ўртача иш хақи 1131043,7 сўмни ташкил этди.

«Бандлик» Дастури ва инқирозга қарши қабул қилинган қарорлар доирасида 6236 та янги иш ўринлари (йиллик режа 6214та) яратилди.

Жумладан, мақсадли дастурларга мувофиқ ташкил этилган иш ўринлар сони жами 1359 та, шундан саноатда 74 та, хизмат кўрсатишда 83 та қишлоқ хўжалигида 826 та ва ишламаётган корхоналар фаолиятини тиклашда 376 тани ташкил этмоқда. Бундан ташқари тижорат банкларининг кичик корхоналар ва микрофирмаларни ташкил этиш учун ажратилган кредитлар ҳисобига 1777 та, якка тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 708 та уй меҳнатининг барча шакиллари ташкил этишда 2176 та ва деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантиришда 216 тани ташкил этмоқда.

ПФ-3706 Фармон бўйича касаначиликни ривожлантириш асосида жами 196 та иш ўринлари яратилиши белгиланган бўлиб, ҳақиқатда 196 та иш ўринлари яратилди ёки режа 100,0 фоизга бажарилди.

Халқ таълими, соғлиқни сақлаш ва маданият соҳаларини ривожлантиришда ҳам сезиларли ўзгаришлар амалга оширилди.

Хозирги кунда туманда 55 та умумтаълим мактаблари, 30 та мактабгача тарбия муассасалари, 1 та академик лицей ва 9 та касб-хунар коллежлари фаолият кўрсатмоқда.

Туманда 2015 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши билан бирга саноат корхоналарида янги ишчи ўринлари яратиш, эскирган технологияларни модернизация қилиш яъни янги технологияларни олиб кириш, янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш, экспортбоп маҳсулотлар турларини кўпайтириш борасидаги ишлар амалга оширилди.

2015 йил якунига кўра саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 87.8 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 115.1 фоизга ёки вилоят кўрсаткичининг 3.3 фоизи ташкил этиб, шундан халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 66.1 млрд. сўмни ташкил этиб,

ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 120.7 фоизга ёки вилоят кўрсаткичининг 3.7 фоизи ташкил этмоқда.

Халқ истеъмоли молларининг умумий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги салмоғи 75.3 фоизга тенг бўлди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда аҳоли жон бошига 456.9 минг сўмга, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришда эса 344.1 минг сўмга тўғри келди.

Туманда 2016 йилнинг 1 январ ҳолатига рўйхатдан ўтган саноат корхоналари сони 190 тани ташкил этиб, шундан фаолият кўрсатаётган саноат корхоналари сони 172 тани ташкил этди.

Наманган вилояти Косонсой туманида аҳолига савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш ҳажмлари

2-жадвал.

(ўсиш суръатлари солиштирма нархларда)

	Ўлчов бирлиги	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил
Чакана савдо айланмаси	млн.сўм	53982,1	71678,1	103855,4	140119,5	227425.9	296155.6
шундан:							
<i>Аҳоли жон бошига</i>	сўм	330773	407031	578904	766500	1214080	1541450
Хизматлар кўрсатиш	млн.сўм	55569.4	69892.9	89708.6	147697.6	199748.8	206272.3
<i>Аҳоли жон бошига</i>	сўм	336988	393098	496176	799662	1060238	1073619
Пуллик хизмат кўрсатиш	млн.сўм	15000,1	17785,2	24500,2	37052,9	94759.3	109453.4
шундан:							
<i>Аҳоли жон бошига</i>	сўм	91912	100995	136567	202700	508093	569690
шу жумладан:							
Маиший хизмат кўрсатиш	млн.сўм	2642,7	2768,1	5315,5	6570,1	12560.8	13407.0
шундан:							
<i>Аҳоли жон бошига</i>	сўм	16193	16719	29416	35571	67350	69782

Туманда саноатнинг етакчи тармоқларидан енгил саноатда тўқимачилик, пахта тозалаш, пойабзал, мебел ишлаб чиқариш, озиқ-овқат ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш

тармоқларига қарашли корхоналар ривожланиб, саноат ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришда салмоқли хиссаларини қўшиб келмоқда.

Туман бўйича ишлаб чиқарилган жами саноат маҳсулотларидаги кичик бизнес субъектларининг улушлари 2015 йилда 81.1 фоизни ташкил этди.

Мустақилликка эришилгандан сўнг Республика Ҳукумати томонидан ижтимоий инфратузилма тизимини мустаҳкамлаш ва босқичма-босқич қайта барпо этиш устувор йўналиш қилиб белгиланди.

Пудратчи ташкилотлар томонидан ўз кучлари билан бажарилган ишлар ҳажми 100.6 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 116,0 фоиз ўсишга ёки вилоят кўрсаткичининг 9.1 фоизини ташкил этмоқда.

Шу даврда 89.5 минг кв.м. турар-жойлар (йиллик режага нисбатан 120.3%), 17.0 км ичимлик суви (106.3%) ва 1.5 км табиий газ тармоқлари (100.0%) тортилди

Туманда кўп укладли иқтисодиётни барпо этиш ва мулкчиликни барча шакллари ривожлантириш учун етарли иқтисодий шароитлар яратилди.

Мамлакат ижтимоий-иқтисодий сиёсатида кичик тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини изчил ошириб бориш масаласи асосий вазифа бўлиб ҳисобланади. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида жаҳон бозоридаги ўзгаришларга мувофиқ равишда хусусий секторнинг, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини самарали ва оқилона ташкил этиш, жумладан, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятининг ривожланиши, мулкдорлар синфининг шаклланиши ва энг асосийси, аҳоли турмуш даражасининг ўсишига эришишида кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг ривожланиши ҳал қилувчи ўрин тутди.

Туманда ижтимоий-иқтисодий ўсиш барқарорлигини таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, бандлик муаммосини ҳал этиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Республика Ҳукумати томонидан 2013 йил бошида 2013-2016 йилларда қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар дастури қабул қилинди. 2015 йил Дастурига асосан жами 56 хизмат кўрсатиш шаҳобчалари ташкил этилди. Уларнинг 15 таси чакана савдо, 5 та умумий овқатланиш, 1 та пойафзал тикиш устахоналари, 3 та автомобил ва бошқа техникаларни таъмирлаш ва 32 таси бошқа турдаги хизмат объектларига тўғри келди. Натижада аҳолига кўрсатилаётган хизмат ҳажмлари йил сайин ортиб бормоқда.

2015 йилда аҳолига кўрсатилган чакана савдо хизмати ҳажми 296.2 млрд. сўмни ташкил этиб, 2014 йилга нисбатан 112.2 фоизга ёки вилоят кўрсаткичининг 7.3 фоизини, аҳоли жон бошига чакана савдо ҳажми эса 1541.5 минг сўмни ёки 127.7 фоизга ортди.

Хизматлар ва сервис соҳасини ривожлантириш туманда 2015 йилда жами хизматлар ҳажми 206.3 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 128.1 фоизга ёки вилоят кўрсаткичининг 5.3 фоизини, аҳоли жон бошига 1073.6 минг сўмни, аҳолига пуллик хизматлар ҳажми эса 109.5 млрд. сўм бўлиб, ўтган йилга нисбатан 113.1 фоизга ёки вилоят кўрсаткичининг 6.6 фоизини, аҳоли жон бошига 569.7 минг сўмни ҳамда маиший хизмат кўрсатиш ҳажми 13.4 млрд. сўм ташкил этиб, ўтган йилининг шу даврига нисбатан 110,4 фоизни ёки вилоят кўрсаткичининг 6.7 фоизини, аҳоли жон бошига эса 69.8 минг сўмни ташкил этди.

Мамлакатимиз иқтисодиётини интеграциялашда туманимизда хорижий инвестицияларнинг тутган ўрни алоҳида аҳамиятга эгадир. Ҳозирги кунда туман иқтисодиётини глобаллаштириш жараёнини ҳаракатга келтирувчи кучлардан бири сифатида бевосита хорижий инвестициялар жалб қилинмоқда. Чет эл инвестицияларни имкони борича кўпроқ жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш, иқтисодиётнинг реал секторларини тараққий эттириш ғоят долзарб бўлиб қолмоқда.

Туманга хорижий инвестициялар ва замонавий технологияларни кенг жалб этиш, уларга нисбатан очик эшиклар сиёсатини изчиллик билан амалга ошириш, янгидан-янги, тўла қувват билан фаолиятини амалга оширадиган ва рақобатбардошли маҳсулотлари билан жаҳон бозорларида ўз ўрнини эгаллай оладиган қўшма корхоналарни йилдан-йилга кўпайтиришга, маҳаллий хом ашё ва ишчи кучларидан фойдаланган ҳолда импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотларга, шу жумладан халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришга катта эътибор қаратилмоқда.

Ҳозирги кунда, Россия, Покистон ва Хитой давлатлари туманга йирик сармоя киритаётган инвесторлардан бири бўлмоқда. Хитой, Покистон ва бошқа мамлакатлар инвесторларининг туманга бўлган қизиқиши йилдан-йилга ортиб бормоқда.

2.2. Наманган вилояти Косонсой туманида мева-сабзавот маҳсулотларини етиштиришнинг иқтисодий таҳлили

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишни чуқурлаштиришнинг устувор вазифалари мамлакат ҳаёти ва иқтисодиётида аграр соҳанинг тутган ўрни, мамлакатнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш, ислохотни босқичма-босқич амалга ошириб бориш ва ривожлантиришнинг муҳим аҳамиятга эга эканлигидан келиб чиқмоқда.

Қишлоқда янги хўжалик юритиш механизмининг, қишлоқ хўжалигини молиялаштириш, кредитлаш ва суғурта қилишнинг янги тизимини, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилган маҳсулот ва қишлоққа келтириладиган техника, ёқилғи ва минерал ўғитлар учун бўладиган ўзаро ҳисоб-китобнинг асослари ишлаб чиқилди ва тадбиқ этилди. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг иқтисодий мустақиллиги кенгайди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 2015 йилда Косонсой туманида жами қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулотлар ҳажмининг асосий қисми нодавлат сектори ҳиссасига тўғри келди. Иқтисодиётнинг аграр секторида мустаҳкам ва барқарор ривожланиш таъминланди.

Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш структураси тубдан ўзгарди. Қишлоқ хўжалигида экинларни жойлаштиришда илмий асосланган усуллар жорий этилди.

Косонсой туманида 2015 йил якуни билан қишлоқ хўжалигида 167.6 млрд. сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқарилди ёки ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 2014 йилга нисбатан 106.2 фоизга ўсди.

Барча турдаги хўжаликларда 44,0 минг тонна дон (ўтган йилга нисбатан 101,2 %), 7,5 минг тонна картошка (106,3 %), 32,4 минг тонна сабзавот (103,8 %), 1,8 минг тонна полиз (105,4 %), 10,9 минг тонна мева (109,3 %) ва 8,1 минг тонна узум (103,1 %), чорвачилик маҳсулотларидан 5,8 минг тонна гўшт (109,7 %), 43,1 минг тонна сут (109,7 %), 51,3 млн.дона тухум (124,3 %), 84,0 тонна жун (111,4 %) ишлаб чиқарилди.

Наманган вилояти Косонсой туманида чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш таҳлили

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил
---------------------	----------------------	-----------------	-----------------	-----------------	-----------------	-----------------	-----------------

Ҳамма турдаги хўжаликлар бўйича

Гўшт	тонна	4315	4520	4726	4900	5299	5815
Сут	тонна	29296	31600	34567	36000	39249	43065
Тухум	минг дона	18157	26100	28208	34510	40579	51260
Жун	центнер	521	582	639	700	754	840

Қишлоқ хўжалик корхоналарида

Гўшт	тонна	6	168	247	270	320	320
Сут	тонна	6	2	57	100	5	5
Тухум	минг дона	7056	10050	9349	14000	14000	15620
Жун	центнер	1	1	1	2	4	10

Аҳоли хўжаликларида

Гўшт	тонна	4199	4240	4350	4480	4789	5270
Сут	тонна	28273	30558	33260	34200	37459	41040
Тухум	минг дона	2940	2720	2552	3710	3800	5610
Жун	центнер	506	566	620	677	700	770
Фермер хўжаликларида							
Гўшт	тонна	110	112	129	150	190	225
Сут	тонна	1017	1040	1250	1700	1785	2020
Тухум	минг дона	8161	13330	16307	16800	22779	30030
Жун	центнер	14	15	18	22	50	60

2015 йилда даврида қорамол бош сонлари 49,9 минг бошни (109,2%), шу жумладан сигирлар 17,1 минг бошни (118,1%), қўй-эчкилар 52,3 минг бошни (101,7%), парранда 818,0 минг бошни (122,7%) ва отлар 0,3 минг бошни (104,1 %) ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1047-сонли қарорини вилоятда бажарилишини таъминлаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш дастурига кўра, туман аҳолисини арзон ва сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашни янада яхшилаш мақсадида 2015 йилда 7480 тонна картошка, 32367 тонна сабзавот, 1792 тонна полиз, 10945 тонна мева, 8101 тонна узум ишлаб чиқарилиб, белгиланган прогноз ортиғи билан бажарилди.

Аҳолини сифатли гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, барча турдаги хўжаликларда 5815 тонна гўшт (ўтган йилга нисбатан 109,7%), 43065 тонна сут (109,7%) ва 51260 минг.дона тухум (124,3%) ишлаб чиқарилди.

Косонсой туманда барча тоифадаги хўжаликларга қарашли жами 4623 гектар майдонларда (шундан, 1912 гектар мевали боғ, 1105 гектар токзор, 953 гектар сабзавот, 129 гектар полиз ва 524 гектар картошка) мева-сабзавот, узум, полиз ва картошка маҳсулотлари етиштирилиб, етиштирилган ялпи ҳосилни аҳоли истеъмолидан ортиқча бўлган қисмини экспортга ва қайта ишлашга етказиб бериш кўзда тутилган.

Жорий йилда барча тоифадаги хўжаликларда сабзавот, картошка ва полиз экиладиган жами 4623 гектар экинларнинг 1606 гектари асосий майдон ва 3017 гектари боғ ва ток (1912 гектар боғ ва 1105 гектар ток) қатор ораларига экилиши режалаштирилган.

Туманда 1606 гектар асосий майдонларнинг 953 гектарига сабзавот,

524 гектарига картошка ва 129 гектарига полиз экинлари экилиши режалаштирилган бўлиб, жорий йилнинг 11 апрел ҳолатига жами 1568 гектар (97,6%) майдонларга экинлари экилди, жумладан, 925 гектар сабзавот (97%), 524 гектар картошка (100%), 119 гектар полиз (92%) экинларини ташкил этади.

Сабзавот экинларини турлари бўйича кўрилганда, 63 гектар карам (100%),

432 гектар помидор (94%), 23 гектар бодринг (92%), 118 гектар сабзи (100%), 171 гектар пиёз (100%) ва 118 гектар бошқа экинлар (100%) экилди.

Шундан, аҳолининг шахсий ва дала томорқаларига 633 гектарига сабзавот,

314 гектар картошка ва 100 гектар полиз экинлари экиш режалаштирилган бўлиб, ҳозирда сабзавот экиш 607 гектар (96%), картошка экиш 314 гектарга (100%) ҳамда полиз экинларини экиш 92 гектар (92%) га бажарилди.

Туманда мавжуд 1912 гектар боғ, 1105 токзор майдонларидан қатор оралари хайдаш ва шакл бериш, суғориш ишлари якунланди, ҳамда минерал ўғитлар билан озиқлантириш, зараркунандаларга қарши кураш каби агротехник тадбирлар 90-94 фоизга бажарилди.

Мавжуд боғ қатор ораларига тулик экин экиш режалаштирилиб, бугунги кунда 1833 гектар майдонга (96%) қишлоқ хўжалик экинлари экилди, шундан 829 гектар майдонга сабзавот (97%), 9 гектар майдонга полиз (90%), 230 гектар картошка (100%), 765 гектар майдонда бошқа экинлар (94%) дуккакли ва мойли экинлар, қозон ювгич) экилди.

Мавжуд 1105 гектар ток қатор ораларига тўлиқ экин экиш режалаштирилиб, бугунги кунда 1070 гектар 97% майдонга қишлоқ хўжалик экинлари экилди, шундан 398 гектар майдонга сабзавот (97%), 110 гектар картошка (100%), 562 гектар майдонда бошқалар (96%) дуккакли ва мойли экинлар, қозон ювгич) экилди.

Бундан ташқари туманда барча тоифа хўжаликларида асосий ва боғ-ток қатор ораларига ҳамда аҳоли шахсий томорқаларида эртанги экилган саримсоқ пиёз, редиска, кўкатлар, қулпунай ва сабзи экинлари аҳоли истемоли учун туман ва шаҳар бозорларига етказилиб берилмоқда.

**Наманган вилояти Косонсой туманидаги барча турдаги хўжаликларда
қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш**

(тонна)

Маҳсулот тури	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил
Жами дон	44378	37483	37814	42000	43492	44007
Бошоқли дон	43942	37019	37301	41167	42578	43022
шундан, буғдой	43592	36759	37301	41167	42578	43022
Маккажўхори	280	303	335	551	591	637
Картошка	5041	5470	5584	6500	7034	7480
Сабзавот	19711	20457	24011	27500	31181	32367
Полиз	993	1059	1250	1500	1700	1792
Мева	6917	7536	8649	9200	10010	10945
Узум	3200	3533	3860	4000	4850	8101
Мойли экинлар	-	45	114	-	81	99

III Боб. Қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ислохотлар ва боғдорчилик соҳаларини ривожлантириш истиқболлари

3.1. Қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ислохотлар ва инфраструктурани барқарор ривожланиши

Президентимиз раҳнамолигида фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор қаратмоқда. Мустақиллик йиллари Ўзбекистонда аграр соҳа иқтисодий барқарорликнинг қудратли омили сифатида белгилаб олингани бугунги натижалар асоси бўлаётир.

Зеро бу масала Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтиши стратегиясида ҳам ҳал қилувчи аҳамият касб этар эди.

Шунинг учун ҳам ислохотларнинг биринчи босқичида қишлоқда хўжалик юритишнинг янги шакллари жорий этиш, деҳқон ернинг, етиштирилаётган маҳсулотнинг тўла эгаси бўлишига имкон берадиган иқтисодий муносабатларни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Аҳолининг асосий қисми қишлоқларда истиқомат қилишини эътиборга олсак, аграр секторни тубдан ислоҳ қилиш ва жадал ривожлантириш нима учун Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтиш стратегиясида ҳал қилувчи аҳамият касб этганини чуқурроқ англаб етамиз.

Кўрилган ана шундай чора-тадбирлар натижасида мамлакат аграр соҳасида бозор иқтисодиёти талабларига мос бўлган янги тизим шаклланди. Давлатга қарашли бўлмаган сектор ривожланиб, уларда бошқарув тизими ва хўжалик юритиш услублари ўзгарди. Бир сўз билан айтганда, айни пайтдаги бекиёс натижаларга мустақилликнинг дастлабки даврларидаёқ асос солинди.

Зеро бугунга келиб ҳам соҳада изчиллик касб этган ислохотлар давом эттирилмоқда. Чунки дунёда озиқ-овқат танқислиги, озиқ-овқат хавфсизлиги масаласи пайдо бўлган бир пайтда соҳада амалга оширилаётган ислохотларни янада такомиллаштириш ниҳоятда долзарб аҳамият касб этаётганини таҳлилчилар алоҳида таъкидламоқдалар. Ана шу жараёнларни изчил ўрганаётган мутахассисларнинг фикрича, соҳани бугунги талаблар асосида ривожлантириш, унга истиқболли иш услубларини жорий этиш, маҳсулот экспортини кўпайтириш, боғ ва узумзорларни жойлаштиришга илмий-амалий ёндашиш, ажратилган ерларни реконструкция қилиш ҳамда уларни лалми, тоғолди, паст ҳосилли ғалла майдонлари ҳисобига кенгайтириш лозим. Бунда фермер, шахсий томорқа ва деҳқон хўжаликларини сифатли ҳамда юқори ҳосилли уруғлиқ ва кўчатлар билан таъминлаш, улар учун хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектларини кўпайтириш ва хизмат турлари сифатини ошириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш имконини берувчи минитехнология ва зарур қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлаш ниҳоятда муҳимдир.

Маълумки, Президентимизнинг 2008 йил 20 октябрдаги «Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида асосан

аҳолининг озиқ-овқат товарларига бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш мақсадида пахта экиладиган майдонлар қисқартирилиб, ер майдонлари кенгайтирилди.

Замонавий сув тежайдиган технологияларни тўлиқ жорий этган ҳолда 8 минг гектардан ортиқ интенсив боғ ва токзорлар барпо этилди. Экспертларнинг фикрича, улар Европа мамлакатларидаги боғлар билан бемалол рақобатлаша олади.

Президентимизнинг «2013-2015 йилларда узумчилик соҳасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2013 йил 13 мартдаги қарорига кўра, 2014 йилда Жиззах, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида сув билан таъминланганлик даражаси паст бўлган ғалла экин майдонлари ўрнида янги токзорлар барпо этиш белгилаб қўйилди.

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмининг ўсиши ўртача 6-7 фоизни ташкил қилаётганлиги, республика аҳолиси сонининг муттасил ортиб боришига қарамай, аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат товарлари ҳажмининг бир неча баробаргача кўпайганлиги соҳада ислохотлар стратегияси нақадар тўғри танланганлигидан далолат беради.

Амалга оширилаётган ислохотлар, яратилган қулай шарт-шароит, қолаверса, деҳқону фермерларимизнинг фидокорона меҳнати туфайли 2015 йилда ҳам соҳада улкан ютуқларга эришилди. Ўтган йили эл-юрт хирмонига 7 миллион 500 минг тоннадан зиёд дон, 3 миллион 350 минг тоннадан кўпроқ пахта хом ашёси етказиб берилди, мева-сабзавотчилик, полизчилик, чорвачилик, пиллачилик ва бошқа тармоқлар бўйича ҳам юқори натижалар кузатилди.

Бундан ташқари, глобал иқлим ўзгаришлари, қурғоқчилик, сув тошқини ва бошқа -табiiй офатлар туфайли айрим давлатлар ўз аҳолисини асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан ҳам таъминлай олмаяпти. Шу нуқтаи назардан қараганда, бозорларимиздаги тўкинчилик, нарх-навонинг барқарорлиги мисолида мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган ислохотларнинг бекиёс самарасидир. Дарҳақиқат, заминимиз — саховатли. Серқуёш юртимизда етиштирилаётган ноз-неъматлар ўзининг бетакрор таъми, инсон организми учун фойдали бўлган витаминларга бойлиги билан алоҳида ажралиб туради. Шу боис мева-сабзавотларимизга талаб хорижда ҳам юқори. Айни пайтда халқимиз эҳтиёжидан ортган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари яқин хорижий мамлакатлардан ташқари АҚШ, Япония, Таиланд, Индонезия, Саудия Арабистони, Словакия сингари кўплаб давлатларга экспорт қилинаяптики, бу Ўзбекистон нафақат ўзининг, балки бошқа мамлакатларнинг ҳам озиқ-овқат таъминотини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшаётганлигидан далолатдир.

Маълумки, Ўзбекистон боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантиришда жуда қулай имкониятга эга. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари, жумладан, боғдорчилик ва узумчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, уларни қайта

ишлаш ва экспорт қилишга эътибор янада кучайтирилаяпти 2006 йил 11 январдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори муҳим омил бўлмоқда.

Жорий йилда вилоятда мева-сабзавот етиштиришни янада кўпайтириш ва экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Боғдорчилик ва сабзавотчилик йўналишида 17 янги агрофирма ташкил этиш, 1 миллион 800 минг тоннадан ортиқ маҳсулот етиштириш режалаштирилган. Бугун боғдорчилик йўналишидаги 4 минг 700, сабзавотчиликда 650 дан ортиқ фермер хўжалигида дала юмушлари қизгин. Ҳозирга қадар 14 минг гектар боғ оралари экишга тайёрланиб, 6 минг гектарга сабзавот экилди.

Айни кунларда фермер хўжаликлари, агрофирма раҳбарлари, соҳа мутахассислари иштирокида мева-сабзавотчиликни янада ривожлантириш, соҳага илғор усул ва технологияларни жорий этиш

Бундан ташқари, глобал иқлим ўзгаришлари, қурғоқчилик, сув тошқини ва бошқа -табiiй офатлар туфайли айрим давлатлар ўз аҳолисини асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан ҳам таъминлай олмаяпти. Шу нуқтаи назардан қараганда, бозорларимиздаги тўкинчилик, нарх-навонинг барқарорлиги мисолида мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган ислохотларнинг бекиёс самарасидир. Дарҳақиқат, заминимиз — саховатли. Серкуёш юртимизда етиштирилаётган ноз-неъматлар ўзининг бетакрор таъми, инсон организми учун фойдали бўлган витаминларга бойлиги билан алоҳида ажралиб туради. Шу боис мева-сабзавотларимизга талаб хорижда ҳам юқори. Айни пайтда халқимиз эҳтиёжидан ортган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари яқин хорижий мамлакатлардан ташқари АҚШ, Япония, Таиланд, Индонезия, Саудия Арабистони, Словакия сингари кўплаб давлатларга экспорт қилинаяптики, бу Ўзбекистон нафақат ўзининг, балки бошқа мамлакатларнинг ҳам озиқ-овқат таъминотини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшаётганлигидан далолатдир. Президентимиз мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар хусусида фикр билдирар экан, соҳага дахлдор яна бир масалага алоҳида тўхталиб ўтди. Яъни ўтган йилда Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)га аъзо давлатларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида -Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришгани учун бериладиган мукофотга сазовор бўлган 14 давлатдан бири сифатида эътироф этилганини таъкидлади. Бу, албатта, нафақат соҳа вакиллари, балки барчамиз учун қувонарли ҳолдир. Негаки, сайёрамиз аҳолиси кўпайиб бораётгани истеъмол товарлари, шу жумладан, озиқ-овқат маҳсулотларига талабни оширмоқда.

Дунё ҳамжамиятини ташвишга солаётган бир қатор муаммоларга қарамай, Ўзбекистонда кейинги 10 йилда сабзавот, картошка ва полиз етиштиришга ажратилган ер майдони 1,3 баравар, боғ ва узумзорлар учун ажратилган ерлар эса 1,2 баравар кенгайди

Натижада тармоқда ишлаб чиқаришни 2,5 барабар оширишга эришилди. Бундан ташқари, ўтган беш йил давомида 1,5 минг гектар майдонда 12 мингга яқин иссиқхона қурилиб, фойдаланишга топширилди. Энг муҳими, уларнинг 80,6 фоизи хусусий сектор ҳиссасига тўғри келмоқда.

Ўзбекистон юқори сифатли мева, сабзавот, узум ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун жуда қулай иқлим шароитига эга. Шу билан бирга, юқори даромадли ташқи бозорда рақобатнинг кучайиши мева-сабзавот ва узумчиликнинг ривожланишига жиддий эътибор қаратишни тақозо этаётганини таъкидлаш жоиз.

3.2. Ўзбекистонда мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ва экспорт қилишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўналишлари

Мева-сабзавотчилик қуйи тармоғи Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғи ҳисобланади. Бу тармоқ мамлакат аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига, қайта ишлаш саноати тармоқларининг эса хомашёга бўлган талабини қондиради. Мева-сабзавотчилик Ўзбекистон учун жаҳон аграр ва озиқ-овқат бозорларига интеграциялашувни ва валюта тушумини таъминлаб берувчи тармоқлардан бири ҳисобланади. Кейинги йилларда республикада мева-сабзавотчиликни кенг кўламда ривожлантиришга давлат томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек «... Бугун бир фикрни ҳеч иккиланмасдан, тўла ишонч билан айтишимиз мумкин: Ўзбекистон тарихан қисқа муддатда иқтисодиёти бирёклама ривожланган, асосан пахта хомашёси етказиб беришга мослашган, пахта яккахокимлиги ҳалокатли тус олган қолоқ республикадан тез суръатлар билан ўсиб бораётган замонавий саноат тармоғига ега бўлган, жадал тараққий этаётган мамлакатга айланди. Бунинг яққол тасдиғи – мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулоти таркибида саноатнинг улуши 1990-йилдаги 14,2 фоиз ўрнига бугунги кунда 24,3 фоизни ташкил етгани, айти пайтда қишлоқ хўжалигининг улуши еса 34 фоиздан 17 фоизга камайганидир.

Иқтисодиётимизда туб демократик ва бозор ислохотларининг амалга оширилаётгани, хусусий мулкка кенг йўл очиб бериш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган фермерликни ривожлантириш учун қулай шароитлар, имтиёз ва преференциялар яратиш, хусусий мулк ва мулкдорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича кўплаб қонун ҳужжатлари қабул қилингани муҳим принципаал аҳамиятга ега бўлди⁴.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 январдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-3709-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 январдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-255 сонли қарорига асосан мева-сабзавотчилик тармоғини бошқариш тизими тубдан такомиллаштирилди. Мамлакатимизда боғдорчиликни ривожлантиришга давлат даражасида эътибор қаратилиб, бутунлай янги интенсив технологияга асосланган боғлар барпо этилмоқда. Мухтарам Президентимиз бу масалага ўз эътиборларини қаратиб, қуйидагича фикр

⁴ Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. // Халқ сўзи. 16 январь, 2016 йил.

билдиради: “Янги боғ ва узумзорлар барпо этиш борасида амалга оширилаётган ишларга алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. 2010-2014 йиллар давомида қарийб 50 минг гектар майдонда янги боғлар, жумладан, 14 минг гектардан ортиқ майдонда интенсив боғлар, 23 минг гектарда узумзорлар яратилди. Интенсив боғлар ташкил этиш учун Польша, Сербия ва бошқа мамлакатлардан 6 миллиондан зиёд кўчат олиб келинди.

Бундай боғларнинг кўплаб афзалликларга эга экани бугунги кунда амалда намоён бўлмоқда. Мисол учун, оддий мевали дарахт экилганидан бошлаб дастлабки ҳосилини бергунига қадар одатда 4-5 йил ўтади. Интенсив боғдорчиликда эса дарахт иккинчи-учинчи йилдаёқ ҳосилга киради. Барча агротехника тадбирлари илғор технологиялар асосида ўз муддатида сифатли ўтказилиши натижасида ўртача ҳосилдорлик боғларда 116, токзорларда 121 центнерни ташкил этди.

Республикамизда озиқ-овқат дастурлари асосида мева-сабзавотчилик бўйича 2015 йилда 959,1 триллион сўмлик жами 19,2 мингта лойиҳа амалга оширилиб, бунинг натижасида 26,5 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Шунингдек, мева-сабзавотчиликка ихтисослашган 30 та туманда 517,3 млрд сўмлик 7,6 мингта лойиҳа амалга оширилди.

Республикамиз бўйича 9,8 минг гектар (2014 йилга нисбатан 176%) пакана ва ярим пакана интенсив боғлар ва 9,9 минг гектар (109%) янги токзорлар барпо этилиб, 12,3 минг гектар (296%) боғ ва 7,5 минг гектар (123%) токзорлар реконструкция қилинди. Шунингдек, 451 гектар майдонда иссиқхоналар қурилди, 181 та 102,8 минг тонна ҳажмли музлаткичли-омборхоналар, 246 та 315,7 минг тонна қувватга эга қайта ишлаш корхоналари ишга туширилди. Бундан ташқари, аҳоли хонадонларида 154 гектар майдонда енгил конструкцияли иссиқхоналар барпо этилди.

